

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 28 июнь, № 132 (8475) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Ер юзидаги жамики ислом уммати қатори меҳр-мурувват, эзгулик ва саховат рамзи — муборак Қурбон ҳайитини катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётган сиз, азизларни, юртимиз барча мусулмонларини, бутун халқимизни ушбу улуғ айём билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Дилларимиз қувончга тўлган мана шундай қутлуғ дамларда, аввало, эл-юртимиз билан бирга Қурбон ҳайитига тинч-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Айни пайтда бу муқаддас байрам моҳиятида мужассам бўлган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик, инсонпарварлик ғоялари бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга ошираётган ислоҳотларимиз, улкан мақсад ва вазифаларимизга уйғун ва ҳамоҳанг эканини ҳис этиб, кўнгилларимиз янада шукуҳга тўлмоқда.

Юртимиздаги ҳар бир маҳалла, шаҳар ва қишлоқдаги тинчлик ва ободлик, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда Қурбон ҳайити сингари азалий байрам ва қадриятларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг фидокорона ва олижаноб меҳнати билан ҳаётимизни янада эркин ва фаровон қилиш, инсон қадрини улуғлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшаётган барча азиз юртдошларимизга чин дилдан самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Кейинги йилларда юртимизда миллий ва диний қадриятларимизни ривожлантириш, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилаётгани барчангизга яхши маълум, албатта.

Хусусан, мўмин-мусулмонларимиз учун яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар туфайли мана шу Қурбон ҳайити кунларида 15 минг нафар ватандошимиз Маккаи мукаррамада муқаддас ҳаж зиёратини адо этмоқда.

Уларнинг барчасини бугунги улуғ айём билан қутлаб, Ватанимиз равнақи, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, оилаларимиз, фарзандларимизнинг бахту иқболини тилаб қилаётган дуолари ижобат бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.

Ҳеч шубҳасиз, кўп миллатли ва кўп конфессияли халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, гўзал юртимизни ягона Ватан деб биладиган барча миллат ва элат вакилларининг урф-одат ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга биз бундан буён ҳам алоҳида аҳамият қаратамиз.

Ишончим комил, барчамиз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Янги Ўзбекистонни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаромиз тинч-осойишта, эркин ва фаровон яшайдиган, том маънодаги дўстлик ва бағрикенглик диёрига айлантирамиз.

Мана шу мунаввар лаҳзаларда дунёнинг узоқ-яқин ҳудудларидаги барча мўмин-мусулмонларга самимий табрикларимизни йўллаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва тараққиёт тилаймиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги йилларда шаклланган яхши анъанамизга мувофиқ, Қурбон ҳайити муносабати билан бу йил ҳам бир неча кундан иборат дам олиш кунлари белгиланди.

Бу хонадонларимизга, ҳаётимизга Ийд ал-адҳонинг эзгулик нури, чинакам байрам кайфиятини олиб киришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Муқаддас масканлар, улуғ аждодларимиз қадамжоларини зиёрат қилиш, мўътабар ота-оналаримиз, қариндош-уруғларимиз, ёру биродарларимизни йўқлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, юртимиз бўйлаб саёҳатларни амалга ошириш учун бу — яна бир қулай имконият, десак, тўғри бўлади.

Сиз, азиз юртдошларимни, бутун халқимизни Қурбон ҳайити билан яна бир бор муборакбод этиб, байрамни оила, дўстлар ва яқинлар билан бирга файзли ва мазмунли ўтказишингизни тилайман.

Илоҳим, барча пок ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватласин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## МАРҲУМ ШАЙХ ЗИЁВУДДИНХОН ИБН ЭШОН БОБОХОННИ «ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ИМОМ БУХОРИЙ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ғоят мураккаб тарихий шароитда фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ва минтақамизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ва эзгу ғояларини эл-юртимизга безавол етказиш, буюк уламо ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий меросини турли миллатлар ва элатлар орасида кенг тарғиб этиш борасидаги кўп йиллик ибратли фаолияти, халқаро миқёсда динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ишларига қўшган улкан ҳиссаси, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни эзгулик ва маърифат, она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги юксак хизматлари учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 27 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## МАРҲУМ ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФНИ «ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ИМОМ БУХОРИЙ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг серқирра фаолияти ҳамда беқиёс илмий-маърифий мероси билан исломий тафаккур ва маданиятни равнақ топтириш, муқаддас динимизнинг улуғ инсоний ғояларини халқимизга етказиш, машҳур уламоларимизнинг бебаҳо асарларини чуқур тадқиқ этиш, турли мамлакат ва ўлкаларда кенг тарғиб қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқаро миқёсда динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссаси, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги алоҳида хизматлари учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 27 июнь

## «БИЗНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ҚАДРИЯТЛАР КЎП»

*Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар деярли барча жабҳада — савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар ва туризм каби соҳаларда жадал ривожланмоқда. Буларнинг барчаси, энг муҳими, тарихан яқин қўшни ва ишончли ҳамкор бўлишга интилаётган ўзбек ва қозоқ халқларини яқинлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.*

*"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида туркум материаллар тайёрлашни режалаштирмоқда. Бугунги суҳбатдошимиз — Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, Бош муфтий Наурizбой ҳожи ТАҒАНУЛИ.*

### Бизнинг интервью

**— Ўзбекистон ва Қозоғистон нафақат яқин қўшни, балки вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкорлардир. Икки давлат ўртасидаги алоқалар Марказий Осиёдаги давлатлараро муносабатларнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Сизнингча, бундай ижобий ўзгаришлар аҳолимиз ҳаёти ва кайфиятига қандай таъсир қилмоқда?**

— Ўзбек ва қозоқ халқлари умумий тарихий жараёнлар ва маданиятнинг ранг-баранглиги, тили ва динининг изчиллиги билан ажралиб туради. Кейинги йилларда давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси билан ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳасида туб ислоҳотлар амалга ошириляпти, дўстлик ришталари мустаҳкаманиб, ўзаро алоқалар кучайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро сиёсий майдонда бир-бирини қўллаб-қувватловчи стратегик шерик давлатлардир. Мамлакатларимиз икки томонлама ва нуфузли тузилмалар: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Туркий давлатлар ташкилоти, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) ва бошқа қатор тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2018 йилнинг Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг муваффақиятли ўтказилиши санъат, фан, таълим ва тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун янги уфқлар очди, қардош халқларнинг маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўзбекистонда давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қозоқ халқининг буюк шоири, мутафаккир Абай Қўнонбоев ижодий меросини тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирига буюк шоир номи берилгани, унинг муҳташам ҳайкали Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси биноси олдида қад ростлаганини яхши биламиз. Айни пайтда Қозоғистонда ҳам Шарқнинг буюк мутафаккири, ўзбек халқининг улуғ шоири, давлат арбоби Алишер Навоий меросини ўрганиш, хусусан, унинг ҳайкалини Остона шаҳри марказига ўрнатиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ташкил этилган Қозоғистон маданияти кунлари дўстона муносабатларимиз барқарорлигини яна бир бор исботлади. Икки мамлакат маданий ҳаётидаги бундай муҳим воқеалар кўп асрлик дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, икки халқнинг ўзаро маънавий алмашинуви ва бойишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**— Ўзбекистонда диний таълим, маърифий ислом динини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган амалий чора-тадбирларни қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбек замини азалдан билим ва маданият маркази бўлиб келган. Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби қатор қомусий алломалар нафақат ислом илми, балки замонавий дунё илм-фани ва жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳиссаларини қўшган.

➡ 4

Марказий сайлов комиссиясида

## МУРОЖААТЛАРГА ЎЗ ВАҚТИДА ЖАВОБ БЕРИЛМОҚДА

*Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар, Президент сайловида халқаро ташкилотлардан ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчилар ҳамда ОАВ вакилларини аккредитация қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан айрим округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотига доир масалалар кўриб чиқилди.*

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар бўйича кўрилган чоралар комиссия аъзолари томонидан муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Қайд этиш жоизки, жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларга Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда ўз вақтида жавоб қайтарилмоқда ҳамда ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолдирилмаяпти.

Кун тартибига мувофиқ, мажлисда халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан МДҲ, ШҲТ ҳамда хорижий давлатлардан жами 77 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясига тушган мурожаатлардан келиб чиқиб, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 102 нафар вакили аккредитация қилинди. Бугунги кунга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 1 257 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлис давомида муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан 8-Сирдарё, 13-Қашқадарё ҳамда 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиялари раисларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий даражада ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлари хусусида ахборотлари тингланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИНИНГ ФАОЛ ҲИМОЯЧИЛАРИ

*Пойтахтимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, фахрий журналистлар,ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари қатнашди.*



### Шукуҳ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сана муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Табрикда таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда очиқлик, ошкоралик, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлигига шарт-шароит яратиш, оммавий ахборот воситаларини том маънодаги "тўртинчи ҳокимият"га айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки халқимизнинг азалий орзулари рўёби — ривожланган демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуриш мазкур ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ.

Юртимизда сўз ва матбуот эркинлиги, ахборот олиш ҳамда уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласи инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиясининг муҳим ва ажралмас қисми, деб қаралмоқда.

Янгиланган Конституциямизда ушбу йўналишдаги қоидалар янада мустаҳкамлаб қўйилгани бу борадаги саъй-ҳаракатлар бардавом эканини кўрсатади.

Табрикда таъкидланганидек, ҳозирги кунда юртимизда 2 140 та ёки 2016 йилдагига нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради. Анъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлари ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етгани ва ўқувчиларни тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини таъкидлаш лозим.

➡ 4

# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Куни кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

**Жараён**

Комиссия аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, халқаро ҳамкорлик доирасида эришилган натижалар ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, соҳага доир қонунчилик асосини мустаҳкамлаш ва қонунчилик базасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Биргина 2022 йилда 11 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани мисолида ҳам буни кузатиш мумкин.

Тадбирда янги таҳрирдаги Конституция ва Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларини тартибга солишга оид янги нормалар киритилганлиги, хусусан, мажбурий меҳнатнинг, шунингдек, болалар меҳнатининг уларнинг соғлигига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, жумладан, таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши белгилаб қўйилганлигига алоҳида урғу берилди.

Ўз навбатида, соҳада янги лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг позициясини янада мустаҳкамлаш мақсадида миллий комиссия томонидан тасдиқланган "йўл хариталари" ижросини таъминлаш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилган.

Хусусан, 2022 йил мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ўзбек пахтасига қўйилган кўплаб тақиқ олиб ташланган йил сифатида ёдда қолди. Бу эса тадбиркорларимиз учун улкан имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Т. Норбоева шу каби ютуқлар билан бир қаторда, соҳада муаммоли масалалар ҳам борлигига эътибор қаратди.

— Олдимизда меҳнат муносабатларини халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, норасмий бандликни қисқартириш, ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, гендер тенглигини таъминлаш ва бошқа кўплаб вазифалар турибди. Тасдиқланган "йўл хариталари"даги вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарур. Ишларимиз қайсидир рақамларни тўғрилаш эмас, балки аниқ натижага йўналтирилган бўлиши лозим. Белгиланган чоралар, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, ижтимоий ҳимояларни янада кучайтиришга, фуқаролар учун хавфсиз, муносиб меҳнат шароитини яратишга қаратилган, — деди миллий комиссия раиси.

Тадбирда эришилган натижалардан келиб чиқиб, пахта-тўқимачилик саноатидаги корхоналар фаолиятига халқаро стандартларни кенг татбиқ этиш ва бу орқали корхоналарда муносиб меҳнат тамойилларига эришиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди.

2022 йилда ушбу тармоқ корхоналари фаолиятига "Better work" ҳамда "BCI" халқаро стандартларини татбиқ қилиш бўйича бошланган ишларни изчиллик билан давом эттириш зарурлиги айтилди.

Хусусан, "Better work" дастурига старт бериш бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти ва Миллий уч томонлама ҳамкорлар ўртасида имзоланган меморандум ҳамда "BCI" халқаро стандартларини татбиқ этиш юзасидан "Better cotton" ташкилоти, миллий комиссия ва "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси томонидан тасдиқланган "Йўл харитаси" ижросини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, халқаро стандартларни амалиётда қўллаш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида миллий комиссия қошида "Better Cotton" стандартларини татбиқ этиш бўйича Миллий маслаҳат кенгашини ташкил қилиш масаласи муҳокама этилди ҳамда қўллаб-қувватланди.

Мажлисда одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича Ички ишлар вазирлигининг, мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича эса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлари раҳбарлари, ҳудудий комиссиялар вакилларининг ҳисоботлари эшитилди ҳамда муҳокамадан ўтказилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Сенат қўмитасида**

# ҚАТОР ҚОНУНЛАР МУҲОКАМА МАРКАЗИДА БЎЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари комиссиялари, экспертлар, Ёшлар парламенти аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши назарда тутилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун шулар жумласидандир. Қонун гидротехника иншоотлари хавфсизлигига оид муносабатлар тартибга солинмоқда. Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар мазмун-моҳияти очиб берилмоқда, гидротехника иншоотлари хавфсизлигининг асосий принциплари мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, гидротехника иншоотлари хавфсизлиги борасидаги давлат бошқаруви, жумладан, давлат органларининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги бўйича ваколатлари, гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фойдаланувчи ташкилотлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари мажбуриятлари мустаҳкамланяпти.

Қонунда гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида фавқулодда вазият туфайли етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби, шунингдек, гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашиш, гидротехника иншоотларида фавқулодда вазият юзага келиши натижасида халқаро ёрдам кўрсатишга оид масалалар очиб берилмоқда.

Мажлисда "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун билан "Ветеринария тўғрисида"ги Қонунга давлат ветеринария хизмати таркибий бўлинмаларидан бири номини аниқлаштирувчи ҳамда ветеринария назорати объектларига монеликсиз кириш юзасидан бош давлат ветеринария инспекторларининг, улар ўринбосарлари ва давлат ветеринария инспекторлари ваколатларини қисқартирувчи ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар томонидан ушбу қонуннинг қабул қилиниши ветеринария соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини таъминлашга, давлат ветеринария инспекторлари томонидан ўтказиладиган текширишлар тартибини такомиллаштириш йўл очиши таъкидланди.

Мажлисда муҳокама этилган қонунлар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли хулосаси қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ПОЙТАХТ МАҲАЛЛАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

*Хабар бериб бораётганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бевосита ҳудудларга чиқиб, аҳоли вакиллари, тадбиркорлар, маҳаллаларда ташкил этилган "бешлик", туманлардаги секторлар раҳбарлари билан бевосита мулоқотлар ўтказмоқда.*

**Мулоқот**

Куни кеча Сенат Раиси пойтахтимизнинг Олмазор ҳамда Шайхонтоҳур туманларида бўлди.

Айтиш жоизки, Олмазор аҳоли зич жойлашган туманлардан бири ҳисобланади.

Дастлаб тумандаги ёшларни тадбиркорлик асосларига ўргатиш, кичик ва ўрта бизнесни юритиш малакаларини бериш, тадбиркорлик маданиятини шакллантириш инновация ва менежмент маркази фаолияти билан танишилди. Ушбу амалий мономарказ Олмазор тумани ҳокимлиги билан давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган бўлиб, 2023 йилнинг ўзида 1 440 нафар ёшнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш режа қилинган.

Шу ерда тумандаги тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ҳокимлик, Инновацион ривожланиш агентлиги Аэрокосмик лабораториялар бўлими билан ҳамкорликдаги "Dreamsat" лойиҳаси асосида дастурлаш, инженерия, робототехника каби фанлар бўйича таълим олиб, АҚШнинг нуфузли олий таълим даргоҳларига грант асосида ўқишга қабул қилинган ёшлар билан ҳам суҳбат бўлиб ўтди.

Туманда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда. Университет маҳалласида фойдаланишга топширилган "Оила ва аёллар маркази" ҳам шулар жумласидан бўлиб, бу ерда психолог маслаҳат хонаси, аёллар соғломлаштириш хонаси, гимнастика зали ва гўзаллик салони фаолияти йўлга қўйилган.

Сенат Раиси бу каби марказларни иложи борича ҳар бир маҳаллада ташкил этиш юзасидан ўз фикрини билдирди.

Айни чоғда унинг таркибида хотин-қизларни анъанавий касб-ҳунарлар билан бир қаторда, илғор технологияларга асосланган замонавий касбларга ўргатишни йўлга қўйиш, марказлар қошида бугун талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича кичик корхоналар ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсияларини берди.

Навбатдаги манзил — Хислат маҳалласида ишга туширилаётган ишлаб чиқариш корхонаси бўлди. Ушбу тикувчилик корхонасига Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ирода Бердиева раҳбарлик қилмоқда. Эътиборли жиҳати, бу ерда мазкур маҳалланинг қўлида ҳунари бор, лекин уйда ўтирган хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Т. Норбоева корхона фаолияти билан танишиш чоғида унинг ходимлари, қолаверса, туман хотин-қизлар фаоллари билан суҳбатлашди, маҳалладаги "бешлик" фаолияти билан қизиқди.

Инфратузилмани ривожлантириш, аҳолига зарур шарт-шароит яратиш, фуқароларни тадбиркорликка йўналтириш, касб-ҳунарга ўргатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар бугун маҳаллалардан бошланаётганига алоҳида урғу берилди.

Сенат Раиси Шайхонтоҳур туманига ташрифи чоғида олти ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган "Сархумдон" МФЙда бўлиб, бу ерда маҳалла фаоллари, нуронийлар ва аҳоли вакиллари билан мулоқот қилди.

Кейинги йилларда маҳаллада амалга оширилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик натижасида маҳалла идораси биноси янгидан барпо этилди. Унинг ҳудудида 12 та болалар майдончаси ва 10 та спорт майдони фойдаланишга топширилди.

Самимий суҳбат чоғида маҳалла тарихи, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди. Оила ва хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси фаолияти самарадорлиги, уларнинг маҳалла аҳолиси оғирини енгил қилишдаги ўрни масаласи кенг таҳлил этилди.

**«Халқ сўзи».**

**Давра суҳбати**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси шу йилнинг 22 июнь куни Женева шаҳрида ўтказилган "Парламентлар ва аёллар ҳуқуқи: хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни бажариш, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини амалга ошириш" мавзуидаги халқаро давра суҳбатида иштирок этди.*

Тадбир БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда уюштирилди.

Давра суҳбатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган ва аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклига барҳам бериш тўғрисидаги қоидалар ҳамда конвенцияда мустаҳкамланган хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиш, муносиб меҳнат қилиш ва таълим олишда эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини таъминлашда парламентнинг ўрни масалалари муҳокама қилинди.

Парламент фаолияти масалалари ҳамда миллий даражада яратилган имкониятлар бўйича илғор тажриба алмашилди, шунингдек, 2023 йилнинг 11-12 декабрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган "Инсон ҳуқуқлари 75" олий даражадаги тадбирига киритилиши назарда тутилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Якунда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Парламентлараро Иттифоқ томонидан ишлаб чиқилган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция бўйича парламент аъзолари учун йўриқноманинг иккинчи нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

## Марказий Осиё минтақасида мутлақо янги, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган сиёсий муҳит шаклланишига хизмат қилмоқда

*Яқин-яқингача Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро муносабатларда баъзи мавзуларда гапириш ноқулай ҳисобланган бўлса, ҳозирда бирор-бир ёпиқ мавзу қолмади. Ҳатто энг мураккаб масалаларни, хоҳ у трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўлсин, хоҳ чегараларни делимитация ва демаркация қилиш ёки чегара пунктларини кесиб ўтиш масаласи бўлсин, барча муаммоларни очиқ ва дўстона руҳда ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда.*

**Нуқтаи назар**

### Ҳамкорлик учун қулай муҳит яратилди

Марказий Осиё ўзининг қулай жуғрофий жойлашуви ва бой ер ости ресурсларига кўра асрлар давомида жаҳон геосиёсий жараёнлари марказида бўлиб келган. Минтақа доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб чорраҳа вазифасини ўтаган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ва прагматик минтақавий ташқи сиёсат туфайли Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат, дўстлик ва яқин ҳамкорлик руҳидаги янги муҳит пайдо бўлди. Яхши қўшничилик ва стратегик шериклик, ҳатто иттифоқлик даражасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда. Кўпгина мутахассислар минтақада рўй бераётган ижобий ўзгаришларни ҳақли равишда "Марказий Осиё руҳи" деб атамоқда.

Энг муҳими, минтақани фаровон ва барқарор ривожланаётган маконга айлантириш йўлида қўйилаётган қадамлар, яратилаётган конструктив муҳит жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилиб, фаол қўллаб-қувватланаётир.

Минтақа мамлакатлари ўзаро савдо ва саноат кооперацияси, транспорт-коммуникация, логистика, туризм, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада чуқурлаштиришга ва янги босқичга кўтаришга ҳаракат қилмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасида нафақат ички масалалар бўйича, балки халқаро майдонда ҳам келишилган ёндашув ва жипслашув яққол намоён бўлмоқда. Айни жараёнда БМТ тизимида ва бошқа халқаро тузилмаларда турли сайловлар чоғи Марказий Осиё давлатлари бир-бирининг номзодларини қўллаб-қувватлаётгани, юқори даражадаги глобал, минтақавий форумларда келишилган умумий позициялар, шунингдек, минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича қўшма баёнотлар бериб келаётганини эътироф этиш жоиз.

Умумий саъй-ҳаракатларимиз натижасида БМТ Бош Ассамблеясининг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, диний бағрикенгликни илгари суриш, туризмни ривожлантириш, Орол муаммосини ҳал этишга қаратилган қатор резолюциялари қабул қилинди.

Шерикликнинг ҳукуматлараро, идоралараро ва ҳатто ҳудудлараро механизмлари яратилди. Масалан, мамлакатларимиз парламентлари ҳамкорлик платформасига асос солинди. Хўжалик субъектлари, муассаса ва ташкилотлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар мустаҳкамланяпти. Барқарор шериклик ўрнатишга кўмаклашувчи минтақалараро форумлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бу борада рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиё давлатларининг умумий ялпи ички маҳсулоти 2016 — 2021 йиллар мобайнида 253 миллиард доллардан 327 миллиард долларга кўтарилди. Худди шундай ўсиш ички минтақавий савдода ҳам яққол кузатилди. Минтақадаги ички савдо ҳажми 2016 — 2021 йилларда 60 фоиз ўсиб, 172,3 миллиард долларга етди. Шу даврда Марказий Осиё минтақасига тўғридан-тўғри инвестиция 35 фоиз кўпайиб, 36,4 миллиард долларни ташкил этди.

Айни вақтда "Boston Consulting Group" (BCG) таҳлилига кўра, келгуси ўн йилликда минтақага 170 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниши, жумладан, 40 — 70 миллиард доллар сармоя нохомашё тармоғига киритилиши тахмин қилинмоқда.

Томонлар икки ёқлама шаклдаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнини изга солишга ҳам эришди. Қўшма корхоналар сони йил сайин сезиларли даражада ошмоқда. Саноат кооперацияси жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларида Ўзбекистон капитали иштирокида қайта ишлаш саноати, қурилиш, электротехника, савдо ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ихтисослаштирилган 3 мингдан зиёд корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон бозорига қўшни мамлакатлар ҳам жиддий қизиқиш билдирмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, юртимизда қўшни давлатлар капитали иштирокидаги корхоналар сонининг ўсиш динамикаси бўйича Қозоғистон — 856 тадан 1109 тага, Қирғизистон — 169 тадан 258 тага, Тожикистон — 171 тадан 240 тага ва Туркманистон — 155 тадан 160 тага етганини кузатиш мумкин.

Сўнгги йилларда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилди. Халқ дипломатияси жадал ривожланмоқда. Қардош халқларнинг маданий-гуманитар алоқаларини мустаҳкамлаш, дўстлик, яхши қўшничилик ва бир-бирини тушуниш муҳитини янада яхшилаш имконини берадиган маданият ва кино кунлари, турли фестиваль ва форумлар ўтказилиши мунтазамлик касб этди. Шунингдек, минтақанинг маданий меросини асраш ва ривожлантиришга бағишланган турфа тадбирлар уюштирилиши ҳам яхши анъанага айланди.

### Маслаҳат учрашувлари — самарали мулоқот майдони

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва унинг институционал механизмларини яратиш йўлида аввал ҳам бир неча марта уринишлар бўлган. Бунга мисол сифатида ўтган асрнинг 90-йилларида минтақада пайдо бўлган турли интеграцион лойиҳалар, хусусан, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти ва Марказий Осиё иттифоқи каби тузилмаларни келтириб ўтиш мумкин.

Бироқ пировардида бундай интеграцион лойиҳалар натижасиз якунлангани барчага маълум. Бунинг қатор объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Ушбу интеграцион лойиҳаларни рўёбга чиқариш йўлидаги тўсиқлардан бири, бу эндигина мустақилликка эришган Марказий Осиё мамлакатларида миллий давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ жараёнлардир.

Ўша пайтда ёш, мустақил давлатларнинг барчаси ўзининг ички муаммолари билан банд бўлиб, минтақавий ҳамкорлик масалаларига унчалик эътибор қаратишмаган эди. Қолаверса, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий алоқалар ҳам анча секинлашиб, товар айирбошлаш ҳажми кескин тушиб кетганди.

Ҳозирги кунда эса Марказий Осиё мамлакатлари анчагина оёққа турган бўлиб, эндиликда улар минтақавий муаммоларга якдил жавоб қайтариш йўлида анча дадилроқ ҳаракат қила бошлади. Айниқса, сўнгги олти йил ичида Ўзбекистон етакчисининг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли илгари анча тарқоқ ва ўта зиддиятли ички муносабатларга эга бўлган Марказий Осиё халқаро майдонда ягона ва яхлит жуғрофий-сиёсий макон сифатида гавдалана бошлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларининг минтақа халқларини бирлаштиришдаги ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур учрашувлар минтақада хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг турли йўналишларини биргаликда ҳал қилиш учун самарали мулоқот механизмига айланишга улгурди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам равишда ўтказиб туриш ташаббуси Ўзбекистон Президенти томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Ушбу ташаббус Марказий Осиё давлатлари томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланди ва дастлабки саммит 2018 йил март ойида Остона шаҳрида ўтказилди.

Илк Маслаҳат учрашуви доирасида уюштирилган мулоқотнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, давлат раҳбарлари томонидан минтақада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ташқи кучлар аралашувисиз тараққиётга эришиш, шунингдек, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан юзага келаётган хавф-хатарларга муносиб жавоб бериш учун жипслашиш зарурлиги тўғрисида якдил фикр илгари сурилди. Музокаралар якунида Маслаҳат учрашувларини мунтазам равишда ўтказишга келишиб олинди.

Иккинчи Маслаҳат учрашуви Тошкент шаҳрида 2019 йил ноябрь ойида ташкил этилди. Самарали учрашув ва мулоқотлар давомида беш давлат етакчилари Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорлик форматига нисбатан ягона ёндашув ишлаб чиқиш, тузилма фаолиятини умумий хусусиятга эга масалаларни ҳал этиш учун долзарб кун тартиби билан тўлдиришга жиддий эътибор қаратди.

Сиёсат ва хавфсизлик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, энергетика ва сув каби масалаларда яқин ва изчил ҳамкорликда иш олиб боришга қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди.

Бундан ташқари, бешта давлат раҳбарлари томонидан энергетика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди, бу борада минтақада ягона инфратузилма яратиш ва бошқа самарали лойиҳаларни амалга ошириш учун истиқболда кўплаб қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш лозимлиги қайд этилди. Саммит якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш регламенти маъқулланди.



Умуман, Иккинчи маслаҳат учрашуви барча мамлакатлар манфаатларининг ўзаро муштараклиги, уларнинг минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари бўйича очиқ мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади. Томонлар барча мамлакатлар ҳудудлари даражасида фаол алмашинув ва алоқаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт йўналишларида мунтазам равишда биргаликда тадбирлар ўтказишга келишиб олдилар.

Тошкент саммити якунида Маслаҳат учрашувларининг илк ҳуқуқий ҳужжати — Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш регламенти маъқулланди.

2021 йилнинг августида Туркманистондаги "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган Марказий Осиё Президентларининг учинчи Маслаҳат учрашуви ҳам жуда самарали бўлди. Давлат раҳбарлари умумминтақавий бозор ташкил этиш ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, ягона энергетика майдонини шакллантириш ва Марказий Осиё давлатлари иқлим ўзгаришига мослашишини таъминлашга қаратилган "яшил" энергетикани жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Саммит доирасида олий даражадаги учрашув билан бирга, иқтисодий форум, миллий маҳсулотлар кўргазмаси, Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти йиғилиши, миллий таомлар фестивали ва минтақа мамлакатлари санъат усталарининг гала-концерти каби қатор тадбирлар ҳам ўтказилди.

Мамлакатларимиз томонидан йўлга қўйилган ҳамкорлик ўсиб боришининг ижобий даражасига, шубҳасиз, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2022 йил июлида Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган тўртинчи Маслаҳат учрашуви қўшимча суръат бахш этди. Анжуман давомида беш мамлакат етакчилари кун тартибидаги долзарб масалаларни муҳокама қилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини кўриб чиқди, минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама шерикликни кенгайтиришга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб олди.

Бешинчи Маслаҳат учрашуви эса жорий йилда Тожикистонда бўлиши кутилмоқда ва ундан анчагина катта натижалар кўзланган.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон етакчисининг таклифи асосида йўлга қўйилган Маслаҳат учрашувлари қатор минтақавий ташаббусларни илгари суриш ва ҳамжиҳатликда амалга ошириш имконини бермоқда. Энг муҳими, Марказий Осиёнинг барча давлатлари ушбу механизмнинг минтақадаги мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун қулай платформа эканини эътироф этган ҳолда келгусида ундан самарали фойдаланиш учун тайёр эканликларини изҳор қилмоқда. Бу эса пировардида, минтақанинг келажаги порлоқ бўлишига ишонч билан қараш имконини беради.

### Шерикликнинг ижобий динамикаси

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда минтақавий ҳамкорлик жараёнларининг фаоллашуви Марказий Осиё давлатлари ўртасида барқарор ва изчил ўсишни таъминлаш имконини бермоқда. Минтақада савдо айланмаси ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши, ташқи инвестициялар ва сайёҳлар оқимининг кескин ортиши кузатилмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмаси ўсиб бораётгани бунга яққол мисол бўла олади. Охирги олти йилда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмаси ҳажми 3,5 баробардан зиёдроқ ўсиб, 2022 йил салкам 9 миллиард долларни ташкил этди. Ҳолбуки, ушбу рақам 2019 йилда 5,2 миллиард долларни, 2016 йилда эса 2,5 миллиард долларни ташкил қилганди холос.

Бироқ Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш йўлида ҳали талайгина ишга солинмаган имкониятлар мавжуддир. Буни қатор олимлар, халқаро экспертларнинг таҳлиллари ҳам яққол тасдиқлайди. Масалан, иқтисодчи олим О. Ҳакимовнинг фикрича, ички минтақавий савдо ҳажмини, айниқса, тайёр маҳсулотлар ҳисобига ошириш улкан истиқболга эга.

Халқаро савдо маркази методологияси бўйича қилинган ҳисоб-китоблар Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро савдода 1,1 миллиард доллар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари борасида 530 миллион, кимё саноатида 180 миллион, металлургия саноатида 120 миллион, енгил саноат товарлари борасида 110 миллион долларлик амалга оширилмаган экспорт салоҳияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирда барча давлатлар билан автомобилсозлик, енгил саноат, агросаноат мажмуаси кооперацияси бўйича кўплаб йирик лойиҳалар йўлга қўйилган ёки амалга оширилмоқда. Марказий Осиё давлатларининг транспорт соҳасидаги, жумладан, минтақада халқаро транспорт йўлаклари ҳосил қилиш ва халқаро транспорт инфратизимини яратишга қаратилган ҳамкорлиги янгича ривожланиш йўлига тушиб олди. Ушбу мақсадларга эришилиши минтақа давлатлари экспорт маҳсулотларини жаҳон бозорларига чиқаришда транспорт харажатлари камайишига олиб келади.

Қолаверса, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини ўзаро боғлайдиган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар йўлаги ҳам кенг имкониятлар очади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши яна бир муҳим лойиҳа бўлиб, ҳозир амалдаги йўналишларга қараганда мавжуд масофани тахминан 900 километрга қисқартиради. Шунда ХХРдан чиққан юкни Ўзбекистон орқали Европага ва Жанубий йўналишдаги бошқа мамлакатларга етказиш муддати етти-саккиз кун камаяди.

Демак, амалий саъй-ҳаракатларни янада чуқурлаштириш орқали минтақавий ҳамкорликни янада юқорироқ босқичга кўтариш мумкин. Ҳамжиҳатлик ва фаол саъй-ҳаракатлар кўп қиррали минтақавий ҳамкорлик учун янги имкониятлар эшигини очади.

Умуман, ўзаро муносабатларнинг ҳозирги хусусияти ва ижобий динамикаси яқин ва ўрта муддатли истиқболда самарали ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратади. Минтақа мамлакатлари халқаро майдонда ўзаро манфаатли бўлган ташаббусларни илгари суриш имконини берадиган изчил ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро савдони ва саноат кооперациясини янада жадаллаштириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, энергетика ва "яшил" технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш, жумладан, халқ дипломатияси ёрдамида турли-туман маданий тадбирлар уюштириш, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни узвий йўлга қўйиш каби йўналишларни яқин ва ўрта муддатли истиқбол учун устувор этиб белгилаш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатлар ривожининг бугунги суръати конструктив сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ва маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштиришга қатъий содиқлигини яққол тасдиқлайди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, 70 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Марказий Осиёда Ўзбекистон саъй-ҳаракатлари туфайли мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди, минтақавий ўзгаришлар тизимли ва қайтариб бўлмас тус олди. Ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар эса кўплаб масалаларнинг ҳал қилинишига туртки бермоқда ҳамда минтақанинг келажагига некбин кўз билан қарашга асос бўлаётир.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари.**

# БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРДАМ БЎЛАМИЗ



*Мамлакатимиз учун сўнгги олти ярим йил чинакам маънода улкан ўзгариш ва янгиланишларга бой бўлди. Шу қисқа муддатда, аввало, халқимиз ҳаёти, турмуши, онгу тафаккури ўзгарди, юксалди.*

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилган изчил сиёсат натижасида миллий иқтисодиётимиз тубдан ислоҳ қилинди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди, камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Малакали тиббий ва таълим хизматлари, иш ўринлари, муносиб яшаш шароитларини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди.*

*Ўтган даврда амалга оширилган мазкур хайрли ишлар, номзоднинг Сайловолди дастурида кўзланган янги марралар ва истиқболли йўналишлар мазмун-моҳияти хусусида экспертлар ўз фикр-мулоҳазалари билан бўлишди.*

**Ўктамжон АХУНОВ,**
**“Нуроний” жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси:**

— Бундан олти ярим йил аввал мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш йўлида янги давр бошланган эди. **Виртуал қабулхона**, жойларда **Халқ қабулхоналарини** ташкил этиш орқали халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги тизими яратилди. Эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича дунёда ўхшаши бўлмаган мутлақо янги ва самарали бўлган **“Темир дафтар”**, **“Аёллар дафтари”** ва **“Ёшлар дафтари”** тизими жорий этилди. Ҳозирги кунда ҳар бир эҳтиёжманд оила моддий ёрдам олмоқда. Бу мақсадларга Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағ 1**8 триллион** сўмдан ошди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намоён этган **“Саховат ва кўмак”** жамғармаси ташкил этилди.

Йиллар давомида яшириб келинган **камбағаллик муаммоси** ҳақида очиқ гапирилиб, уни қисқартиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар бошлаб берилди. Натижада, биргина ўтган 2022 йил давомида **1 миллион нафар аҳоли камбағалликдан** чиқарилди.

Номзоднинг Сайловолди дастурида ушбу ислоҳотларнинг — мамлакатда камбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсатнинг узвий давомини кўришимиз мумкин.

Охирги олти ярим йилда мамлакатимиз бўйича қарийб **300 мингта** ёки аввалги йилларга нисбатан **10 баробар** кўп уй-жойлар қурилиб, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжлари босқичма-босқич қондирилмоқда. Шу ўринда халқимизни рози қилиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар пойдевори сифатида номзодимизнинг Сайловолди дастурида келгуси етти йилда **15 миллиард** доллар ҳажмидаги маблағни йўналтириш ҳисобига қўшимча **1 миллион** хонадонли уй-жойлар қурилиши — асосий вазифалардан бири бўлиши таъкидланди.

Дастурда **давлат хизматлари** тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши ва давлат бошқарувида мавжуд бўлган кўплаб функцияларни босқичма-босқич **рақамлаштириш** қатъий белгиланган.

Умуман олганда, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг ҳурмат-иззатини, қадрини тилда ё қоғозда эмас, амалда жойига қўйиш, уларга муносиб яшаш шароитларини яратиб бериш Янги Ўзбекистонда энг устувор вазифа! Яъни “инсон — жамият — давлат” деган эзгу ғоя барча ислоҳотларнинг таг замирида турибди.

Бу ғояларнинг муаллифи ҳам, ташаббускори ҳам айнан номзодимиз Шавкат Мирзиёевдир. Шу боис мен барчани 9 июль куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзЛиДеП номзодига овоз беришга чақираман!

**Убайдулла МИНГБОЕВ,**
**Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси:**

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилганлигига барчамиз гувоҳмиз.

Сўнгги олти ярим йил давомида судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил қилинди, Олий суд ва Олий хўжалик судлари бирлаштирилди, ҳудудлардаги хўжалик судлари иқтисодий судлар сифатида қайта ташкил этилди.

Ислоҳотлар натижаси ўлароқ, ўтган олти ярим йил мобайнида **4 874 нафар** кишига нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, 2022 йилнинг ўзида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ҳолда **8 453 нафар** шахс суд залидан озод қилинди.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларидан шахсни ҳимоя қилувчи маъмурий судлар ташкил этилиши натижасида аҳоли манфаатларини таъминлашнинг самарали тизими яратилди. Мисол учун, сўнгги олти ярим йилда кўриб чиқилган **87 мингдан** ортиқ маъмурий ишларнинг **62 фоизи** фуқаролар манфаатлари ва фойдасига қаноатлантирилган.

“Хабеас корпус” институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш, сўзлашувларни эшитиш, тинтув ўтказиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди.

2020 йилда Ўзбекистоннинг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланиши мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланаётганининг халқаро эътирофи бўлди. 2016 йилдан шу кунгача жазо муддатини ўтаётган 6 минг 508 нафар маҳкумга нисбатан афв акти қўлланилди.

Ўзбекистон “Тартиб ва хавфсизлик” кўрсаткичи бўйича эса 2022 йилда **16-ўринни** эгаллади. Мазкур индикаторда мамлакатимиз охирги беш йилдан бери минтақавий миқёсда **1-ўринни** эгаллаган бўлиб, ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигидан далолат беради.

Ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида номзод дастурида қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш устувор вазифалардан ҳисобланиши белгиланди. Янги Ўзбекистонда фуқаронинг ҳимоячиси фақат қонун ва суд бўлишига эришиш кўзда тутилди.

Бундан ташқари, ушбу дастурда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали **суд назоратини** ўрнатиб, одил судловга эришиш даражасини ошириш учун барча имкониятлар сафарбар этилиши, **жиноят иши қўзғатиш ва жазо бериш** бўйича ёндашувларнинг қайта кўриб чиқилиши ҳамда тадбиркорлар учун жиноий жавобгарликка оид қонунчиликнинг янада **либераллаштирилиши белгиланди**.

Шунингдек, рақамлаштириш орқали бюрократияни бартараф этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк”ка айлантириш каби давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чоралар белгиланган.

Бу ўзгаришлар халқ манфаатлари йўлида олиб борилаётган амалий ишларнинг изчил давом этишидан далолатдир.

**Дурбек АҲМЕДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:**

— Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар улкан натижалар бераётгани халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Оддий мисол: сўнгги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми **52 миллиард** доллардан **80 миллиард** долларга ошди ва бу мамлакатимиз жадал ривожланаётганининг муҳим кўрсаткичидир. Шубҳасиз, иқтисодиётдаги бундай ўсиш мамлакатимизда хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлар билан боғлиқ.

Охирги олти ярим йил ичида Ўзбекистон халқаро Иқтисодий эркинлик индекси умумий рейтингида ўз ўрнини **31 поғонага** яхшилади.

Сўнгги йилларда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган **2 мингга** яқин қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларга асосан **132 та** лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, **33 та** фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача **2 баробарга** қисқартирилди.

Охирги олти ярим йилда иш ҳақига солиқ юки 2 баробар камайтирилди, қўшилган қиймат солиғи **20 фоиздан 12 фоизга** туширилди. Солиқларнинг умумий сони **13 тадан 9 тага** қисқарди, айрим солиқ ставкалари **2 баробар** камайтирилди.

Номзоднинг Сайловолди дастурида келгусида ҳам бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида қатор устувор вазифалар кўзда тутилган.

Хусусан, хусусий сектор улушини ошириш, монопол соҳаларни бозор тамойилларига ўтказиш, солиқ тизимини соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш, бизнес учун қўшилган қиймат, фойда, айланмадан олинадиган ва мол-мулк солиғи бўйича ставкалар оширилмаслиги қатъий белгиланган.

Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотган фермерларга қўшилган қиймат солиғининг **50 фоизини** қайтариш амалиётини йўлга қўйиш, вақтида солиқ тўлаётган корхоналарда қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддатини **бир кун** этиб белгилаш, бундай корхоналарда солиқ текширувлари ўтказилмаслиги ва уларга давлат харидларида устунлик бериш назарда тутилган.

Қулай ишбилармонлик муҳити вужудга келаётгани натижасида тадбиркорлик тез суръатлар билан ривожланяпти. Агар ушбу ишлар давомли бўлишини истасангиз, барчангизни партиямиздан Президентликка номзодни қўллаб-қувватлашга чорлайман!

**Эркин ЗОҲИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор:**

— Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк давридаёқ таълим ва тиббиёт соҳасидаги муаммоларни очиқ-ошкора тилга олгани, кенг жамоатчилик эътиборини кечиктирилмай ҳал қилиниши зарур бўлган ана шу масалаларга қаратгани ғоят ибратли иш бўлди.

Қисқа муддатда таълим-тарбия соҳаси тубдан ўзгартирилди, ўғил-қизларимизнинг узлуксиз таълим олишига қаратилган мутлақо янги тизим яратилди.

Сир эмас, авваллари болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи жуда паст эди. Кейинги 6 йилда мактабгача таълим ташкилотлари сони 5,5 баробар кўпайиб, **29 мингдан** ошди. Шундан **23 мингтасини** хусусий ва оилавий боғчалар ташкил этади. Натижада болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси **27 фоиздан 72 фоизга** етиб, **2 миллиондан** ортиқ фарзандларимиз боғчага жалб қилинди. Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонда таълим ва тарбия масаласи умуммиллий ҳаракатга айланди.

Умумий ўрта таълим тизими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар кейинги йилларда қўшимча **700 минг** ўқувчи ўрни яратилишига, **200 га** яқин мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда **400 та** хусусий мактаб ташкил қилинишига олиб келди. **11 йиллик** мажбурий мактаб таълими қайта жорий этилди.

Кейинги йилларда **олий таълим тизимида** жадаллик билан давом этган ислоҳотлар ҳам бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Хусусан, мамлакатимизда олийгоҳлар сони **2,5 баробарга** кўпайиб, **210 дан** ортди. Талабалар сони эса қарийб **4** баробар ошиб, **1 миллионни** ташкил этмоқда.

Бу ишлар тизимни ривожлантиришда ғоят муҳим қадам бўлди. Соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида **65 та** нодавлат олий ўқув юрти ташкил этилгани, хорижий олийгоҳлар филиаллари сони эса **30 тага** етганини ҳам мамнуният билан таъкидлаш лозим. Бир сўз билан айтганда, таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Номзод дастурида бу йўналишда бир қатор устувор вазифалар, хусусан, 2030 йилга қадар мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қоплаб, қамровни **100 фоизга** етказиш ва боғчаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, мактабларда қўшимча **2,5 миллион** ўқувчи ўрнини яратиш, олий таълим ва илм-фан тизимларини илғор хорижий тажриба асосида ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш тизими ҳам тубдан ислоҳ қилиниб, 2016 — 2022 йилларда Давлат бюджетидан ушбу соҳага ажратилаётган харажатлар қарийб **4 баробар** ошди. Шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар **12 баробар** кўпайтирилди. 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғинда аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Энг муҳими, кўрилаётган чоралар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 73 ёшдан ошишига эришилди. Келгусида ушбу кўрсаткични 78 ёшга етказиш вазифаси қўйилди.

Ушбу мақсадда 2030 йилга қадар **оналар ва болалар ўлими**, болалар ўртасидаги **ирсий касалликларни** камида **2 баробарга** қисқартириш, **онкологик, юрак-қон томир, диабет, нафас йўллари ва юқумли касалликлар** бўйича эрта ўлимни эса **2,5 баробарга** камайтириш соҳадаги энг асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шунингдек, тиббиётга бюджетдан ажратиладиган **йиллик маблағ ҳажмини 2 карра** ошириб, уни **6 миллиард долларга етказиш** орқали аҳолини кафолатланган тиббий хизмат билан қамраб олиш даражасини янада кенгайтириш мақсад этиб белгиланмоқда.

Сайловолди дастурида бу икки тизимда қатор вазифалар белгиланиши соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бардавом бўлишидан далолатдир. Шу боис ҳам номзодимизга овоз бериш сифатли таълим-тарбия ва малакали тиббий хизмат кафолатланишига замин яратиши, шубҳасиздир.

**Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Эътироф этмоқ жоизки, сўнгги йилларда юртимизда халқ маънавиятини юксалтириш, миллий адабиёт ва санъатни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу бошқа мамлакатлар учун ўрнак ва намуна бўлиб хизмат қилаётгани ҳам диққатга сазовор.

Миллий санъатимизнинг ноёб турлари тикланиб, ўнлаб янги маданият ва санъат муассасалари фаолияти йўлга қўйилди, 15 га яқин театр, музейлар ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат филармонияси, Миллий мақом санъати ва Бахшичилик санъати марказлари, ҳудудларда намунавий мақом ва бахшичилик ансамбллари, Театр ва кино арбоблари уюшмалари самарали фаолияти йўлга қўйилди, “Баҳор” давлат рақс ансамбли қайта ташкил этилди.

Кейинги йиллар давомида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти, Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали, Республика мусиқа ва санъат коллежи ҳамда Нукус опера ва бахшичилик мактаби ташкил этилди.

Юртимизда мақом ва бахшичилик санъатлари ҳамда ҳунармандчилик бўйича халқаро фестиваллар йўлга қўйилди.

Натижада халқимизнинг қадимий ва бетакрор санъати дунё ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. “Хоразм лазгиси” ва бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизда 15 апрель санаси Маданият ва санъат ходимлари куни этиб белгиланди.

Давлат музейларида ҳар ойнинг биринчи якшанбаси **“очиқ эшиклар куни”** деб белгиланди ва фуқаролар музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш учун давлат музейларига бепул киритилиши белгиланди.

Бугунги кунда ижодкор зиёлиларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уй-жой шароитларини яхшилаш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Тошкент шаҳрида ижодкорлар учун кўп қаватли уйлар, Тошкент вилоятининг Паркент туманида замонавий дам олиш маскани қуриб берилгани ҳам бунинг яққол мисолидир.

Биз айни шу соҳадаги ишлар янги босқичга кўтарилишини истасак, Шавкат Миризёевни қўллаб-қувватлашимиз даркор.

**Равшан МАМУТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:**

— Ўтган вақт давомида хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими яратилди. Ушбу тизим асосида сўнгги икки йилда хорижда ишлаш истагида бўлган **150 мингдан** ортиқ фуқаролар касб-ҳунар ва чет тилларга ўқитилиб, ишга юборилди.

Номзоднинг Сайловолди дастурига қарайдиган бўлсак, ташқи меҳнат миграцияси тизими тўлиқ ислоҳ қилиниб, хорижга ишлаш учун бораётган аҳолимизни касбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини кенгайтириш, хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимиз **Европа ва Осиёнинг** юқори ҳақ тўланадиган мамлакатларига ишга боришлари учун давлат томонидан кўмак бериш бўйича чоралар белгиланган.

Мураккаб вазиятга тушиб қолган **юртдошларимизга** ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари давлатимиз, халқимизнинг доимий ғамхўрлигида бўлиши, уларнинг фарзандлари ўқиши ва олийгоҳларга киришида ҳам енгилликлар берилишига оид режалар айтилди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли БМТнинг нуфузли минбарида туриб, экологик муаммолар қаторида жаҳон ҳамжамияти эътибори Орол фожиасига қаратилди.

Юртимизни яшилликка буркаш борасида тизимли амалга оширилаётган ҳайрли ишларни бугун ҳар бир фуқаро ҳаётида кўриб, ҳис қилиб турибди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида охирги икки йилда жами 400 миллион донадан зиёд манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари экилди.

Эндиликда бу ишлар кўламини янада кенгайтириш бўйича номзодимизнинг Сайловолди дастурида улкан марралар олинган.

Шу йил 9 июлда бўлиб ўтадиган Президентлик сайловида мен халқпарвар сиёсатчи Шавкат Мирзиёевга овоз бераман!

**Дилором ФАЙЗИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**

— Ўзбекистонда сўнгги йилларда номзодимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида ташқи сиёсатда мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди.

Биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан яқин қўшничилик ва дўстлик ришталари ва муносабатлари йўлга қўйилди, қардош халқлар ўртасидаги кўп йиллик “музлар” эриди. Борди-келди тикланди. Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми икки баробардан зиёдга ўсиб, 2022 йил якунида 7,5 миллиард долларни ташкил қилди.

Номзодимиз томонидан БМТ, ШҲТ, МДҲ, ТДТ каби катор нуфузли халқаро майдонларда илгари сурилган ташаббуслар, қабул килинган қатор ҳужжатлар, резолюциялар минтақавий ва глобал миқёсда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Номзодимиз дастурида бундан буён очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсатни олиб боришни давом эттириш, Ўзбекистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ташаббусларини халқаро майдонда фаол илгари суриш, Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш каби масалалар борасидаги амалий ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш вазифа сифатида белгиланган.

Бугун инсон қадри улуғланган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятлар яратилган Янги Ўзбекистонда ана шундай кенг қамровли ислоҳотлар шиддат билан давом этиши тарафдоримиз.

Биз фуқароларимизни эзгу мақсад йўлида бирдам бўлиб, Ватан равнақи учун садоқат ва фидойилик билан хизмат қилиб келаётган инсон — Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлаб, овоз беришга чақирамиз!

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# «БИЗНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ҚАДРИЯТЛАР КЎП»

1

Ўзбекистонда кейинги йилларда жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган мутафаккир олимлар ҳаёти ва бой илмий меросини ўрганиш, уларни жаҳон ҳамжамиятига етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай илмий изланишларни янада кучайтириш мақсадида кейинги йилларда халқаро аҳамиятга молик йирик марказлар ташкил этилаётгани ҳам эътирофга молик. Масалан, барпо қилинаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини олайлик. Марказ Тошкент шаҳридаги машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудида жойлашган. У ерда қадимий қўлёзмалар, тошбосма асарлар, археологик топилмаларни замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда қайта тиклайдиган, уларнинг сақланишини назорат қилувчи, маълумотларни рақамли форматга кўчирадиган ва кўпайтирувчи, қадимий манбаларни ўрганувчи, матнларни хорижий тилларга таржима қиладиган, луғатлар яратиш, махсус терминологияни бирлаштирувчи илмий бўлимлар ташкил этилиши ҳаммамиз учун муҳим.

Буларнинг барчасини бутун дунё, жумладан, биз ҳам катта қизиқиш билан кузатмоқдамиз. Ва биз қардош Ўзбекистон эришаётган ютуқлардан чин дилдан қувонамиз. Шу ўринда 1993 — 1997 йилларда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида олий диний таълим олган даврларимни эслаяпман. Ўша даврдаги диний таълимни бугунги кунга қиёсласак, сифат ҳам, шарт-шароитлар ҳам тубдан ўзгарганини англаш қийин эмас. Соҳада эришилаётган ютуқлардан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди.

**— "Дераза очилганда хонага салқин шабада билан бирга чанг-ғубор ҳам кириб келади" деган ҳикмат бор. Яъни туб ислоҳотлар туфайли диний эътиқод борасидаги айрим тўсиқлар олиб ташланди. Руҳиятимиз енгил тортди. Аммо, таассуфлар бўлсинки, биз покланиш шабадаси билан бирга маънавий қадриятларимизга мутлақо зид бўлган ақидапарастлик, экстремизм каби иллатларга ҳам дуч келяпмиз. Бундай ҳолатларга қарши курашишда Ўзбекистон ва Қозоғистон мусулмонлари диний идоралари ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Ўзбекистон Қозоғистоннинг Марказий Осиёдаги энг яқин ишончли ҳамкоридир. Қозоқ ва ўзбек халқлари азалдан дўст, иноқ. Бизни бирлаштирган кўплаб қадриятлар мавжуд. Диний мактабимиз ва мазҳабимиз бир. Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, бундан бир неча йил аввал Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси сифатида илк расмий ташрифимни қўшни давлат — ўзбек заминидан бошлаганман. Ўша пайтдаги Ўзбекистон бош муфтийси, марҳум Усмонхон Алимов билан кечган учрашувда бугунги кунда долзарб глобал муаммоларга жавоб беришда мусулмон умматининг ўзаро ҳамжиҳатлигини ошириш, диний байрамларни бир кунда нишонлаш, умумий фатволар қабул қилиш, бузғунчи диний оқимларнинг салбий тарғиботига йўл қўймаслик, қардош мамлакатлар дин арбобларининг билимини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш тадбирларини ташкил этиш, буюк уламолар таълимотини халққа тарғиб қилиш, диний таълим соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича умумий келишувларга эришдик.

Қозоғистонда бугун диний вазият барқарор, юздан ортиқ миллат ва конфессиялар вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Сўнгги йилларда одамларнинг маънавий-маърифий тарбияга бўлган қизиқиши сезиларли даражада ошиб бораётгани ва бу тенденцияни жамиятимизни янада ривожлантириш, конфессияларaро тотувликни сақлашга йўналтириш мақсадга мувофиқ. Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси томонидан маънавий қадриятларни тарғиб этиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида биз давлат-конфессиявий муносабатларининг мақбул моделини яратишга муваффақ бўлдик. Ўйлаймизки, Қозоғистоннинг давлат, жамият ва дин ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш тажрибаси, ҳақиқатан ҳам, дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ижобий ва қизиқарлидир. Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси фаолиятидаги устувор йўналиш диний барқарорликни таъминлаш ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан, анъанавий исломни асраб-авайлашга ҳисса қўшиш, бузғунчи сохта диний оқимлар ва радикал мафкура тарқалишига қарши туриш вазифаси доимий диққат марказимизда. Бунинг учун доим фикр юритиш, диний соҳада ҳар томонлама ва самарали фаолият олиб бориш зарур. Бизда аждодларимиз асос солган кучли мусулмон мактаби шаклланган ва Сиғнақий, Фаробий, Исфижобий, Тарозий, Итқоний каби кўзга кўринган мусулмон алломалари бор.

**— Халқаро муносабатларда барқарорлик, хавфсизлик ва ишончни тиклашда муқаддас динимизнинг аҳамияти қандай? Минтақавий хавфсизликни, жумладан, диний соҳада хавфсизликни таъминлаш нафақат ички сиёсатга, балки кўпинча халқаро ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Бу борада муфтият томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан, туркий тилли давлатлар билан яхши алоқалар ўрнатганмиз. Яқинда Туркия, Озарбайжон, Ўзбекистон ва Қирғизистон маънавият арбоблари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда нафақат маънавият, балки буюк аждодларимиздан Аҳмад Яссавийнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини бутун туркий дунёга тарғиб этиш, диний таълим соҳасида қўшма лойиҳаларнинг истиқболи, диний маърифат соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Глобал таҳдидларга қарши курашиш, бузғунчи диний оқимларни тарғиб қилишнинг олдини олиш бўйича фикрлар алмашилди.

Бундан ташқари, кўҳна ва муқаддас Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган "Туркий халқларнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманда Қозоғистон томони қатор ташаббуслар билан чиқди. Биринчидан, мусулмон давлатлари ўртасидаги диний ва маънавий ҳамкорликни тартибга солиш ва яхшилаш учун барча саъй-ҳаракатларимизни биргаликда амалга оширишимиз керак.

Иккинчидан, ирқий, диний, этник нуқтаи назардан ҳар қандай келишмовчилик ва бўлинишларга йўл қўймаслик, бу борадаги турли сиёсий-мафкуравий провокацияларга қарши туриш зарур.

Учинчидан, илмий ва маънавий эҳтиёжларни рўёбга чиқариш учун шароит яратиш зарур. Булар — қўшма илмий-маънавий марказлар ёки олимлар, имомлар, ўқитувчи ва талабаларнинг тажриба алмашиши, адабиётлар алмашинуви, фундаментал диний фанларни таржима қилиш, мусулмон мероси бўйича илмий тадқиқотларда иштирок этиш, қўшма маърифий семинарлар, анжуманлар, симпозиумлар ўтказишдир. Бундан ташқари, мусулмон оламининг машҳур дин арбоблари, олим ва адибларнинг юбилейлари, диний, миллий ва анъанавий байрамларни биргаликда нишонлаш зарур.

Тўртинчиси — зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшма тадбирларни амалга ошириш. Масалан, Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси томонидан мамлакатда ички туризмни ривожлантириш мақсадида тарихий, маданий ва муқаддас қадамжоларга саёҳат қилиш, аҳоли ўртасида зиёрат маданиятини шакллантиришга қаратилган "Дархон дала" лойиҳаси йўлга қўйилган.

**— Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги диний муносабатларнинг истиқболдаги ривожланишига қандай қарайсиз?**

— Тарихи неча-неча асрларга тенг Буюк Ипак йўлининг ривожланишида биродарлик илдизларига эга туркий мамлакатларнинг ўрни беқиёс. Мана шундай кўп йиллик алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ислом маданияти марказлари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Тошкент



шаҳарларига, шунингдек, муқаддас Туркистон, Аристонбоб, Ўтрор ва Сиғноқ шаҳарларига икки томонлама зиёрат саёҳатларини ҳамкорликда ташкил этиш зарур. Юқорида таъкидлаганимиздек, халқларимиз тарихини ўрганиш билан бирга зиёрат туризмини ривожлантириш масаласини ҳам қўлга олишимиз даркор, бу икки давлат ўртасидаги маданий ва иқтисодий йўналишда ўзаро манфаатли бўлиши аниқ. Чунки аждодларимиз кўп асрлар давомида чегарасиз ва чексиз аралашиб келишган. Чуқур илдиз отган тарихий муносабатларни қайта тиклаш муҳим. Масалан, қозоқ халқининг бирдамлигини мустаҳкамлашда ҳиссаси беқиёс аждодларимиздан Тўлабий бобомиз Тошкентда, Айтеке би эса Нуротада дафн этилган. Бу ҳам бўлса, тарихимизнинг муштараклигини англатади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз икки томонлама лойиҳаларни амалга оширишимиз, зиёрат сафарларини ташкил этишга ижобий муносабатда бўлишимиз керак. Зеро, туризм кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти ва глобаллашувига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Бугунги кунда бу соҳа гўзал табиатни кўрсатиш билан чекланиб қолмайди, аксинча, туризм халқ тарихи, археологик қазилмалари, маданияти ва цивилизациясини намойиш этишнинг энг самарали усулларидан биридир.

Аҳамиятлиси, Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам зиёрат туризмининг нуфузли марказига айланиш борасида катта имкониятлар мавжуд. Масалан, ўзаро сайёҳлик оқимини ошириш мақсадида Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг машҳур зиёратгоҳларига (Аристонбоб, Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари ва бошқалар) қўшма саёҳатлар ташкил этиш керак. Бундан ташқари, икки давлат имом-хатиблари ўртасида тажриба алмашиш, ёт оқим билан биргаликда курашиш каби қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарур. Буларнинг барчаси Қозоғистон ва Ўзбекистон мусулмонлари диний идоралари ўртасидаги ҳамкорлик меморандумида ўз аксини топган. Ушбу ҳужжат қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, диний соҳада тажриба алмашиш, замонавий жамиятдаги муаммоларга биргаликда жавоб бериш, маънавий-маданий алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган. Бу қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасида асрлар давомида мустаҳкамланиб келаётган дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдам ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги қадамдир.

**— Халқимиз раҳм-шафқат ва шафоат, маънавий покланиш айёми сифатида эъзозлайдиган ушбу саодатли ва баракали кунларда Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон халқига тилакларингиз?**

— Бугун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Ўзбек ва қозоқ халқларининг эзгу нияти, дўстлиги, ҳамжиҳатлиги абадий бўлсин. Бизни бирлаштирадиган кўплаб умумий қадриятларимиз бор. Икки халқ ўртасидаги самимият, ўзаро дўстлик алоқалари мустаҳкам, бирдамлигимиз мангу бўлсин! Шукроналик ва қувонч айёми — Қурбон ҳайити билан барча ўзбекистонлик биродарларимизни муборакбод этарканман, юртимиз тинч, халқларимиз омон, оилаларимизда бахтли кунлар кўп бўлсин, деб қоламан.

**Нурлан УСМОНОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**
Тошкент — Остона — Тошкент

# ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИНИНГ ФАОЛ ҲИМОЯЧИЛАРИ

1

Давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар таркибида ахборот хизматлари йўлга қўйилгани халқ билан мулоқотни кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Бинобарин, бошқарувда очиқлик, ошкоралик бўлмаса, халқ билан мулоқот ўрнатилмаса, давлатга ишонч йўқолади. Ташкилот ва идоралар, муассасалар фаолиятида шаффофлик таъминланмаса, коррупция, тамагирлик, таниш-билишчилик, суиистеъмолчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар авж олиши мумкин.

Шу маънода, давлат ва халқ ўртасида кўприк вазифасини ўтайдиган медиа соҳаси вакилларининг бугунги кунда масъулияти катта. Улар нафақат давлат сиёсати тарғиботчисига айланиши, балки бурчга садоқатни, ватанпарварликни, ҳозиржавобликни, профессионалликни намоён этиши, фаолиятида сўзнинг муқаддаслигини, қудратини чуқур ҳис қилиши, ундан самарали фойдаланиши, унга хиёнат қилмаслиги зарур. Яъни ҳар қандай шароитда рост сўзлаши, ҳақиқатни ёзиши, адолат учун курашиши шарт.

Шу билан бирга, соҳанинг замон талабларига монанд тараққий этиши учун ҳали қилинадиган ишлар кўп. Оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш соҳани ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тақдирланган соҳа фидойиларига орден ва медалларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева топширди.

Тантанада санъат усталари, эстрада юлдузлари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури йиғилганларга байрам кайфиятини бахш этди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Комил Алламжонов иштирок этди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



Президентимиз Фармонига кўра ҳамкасбимиз — "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари Бош муҳаррирининг ўринбосари Руслан Кенжаев "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Таҳририят жамоаси жонкуяр ҳамкасбимизни ушбу юксак мукофот билан табриклайди. Унга келгусида ҳам ижодий зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.

# ДАВЛАТ МУКОФОТИ – БУ ЭЪТИРОФ

**Шойим БЎТАЕВ,**
**«Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонаси муҳаррири,**
**«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:**

— Президентимиз Фармони билан нуфузли давлат мукофоти билан тақдирланганим байрамга муносиб туҳфа бўлди. Бу янгиланаётган Ўзбекистонда инсон қадрига муносабат ўзгарганига, мамлакат равнақи, халқимизнинг маънавий камолоти йўлида жонкуярлик билан яшаётган, меҳнат қилаётган, изланаётган киши, албатта, эътироф этилиши, рағбатлантирилишига ишончимни яна бир бор мустаҳкамлади.

Узоқ йиллардан буён ижод майдонидаман. Турли матбуот нашрларида хоҳ бадиий асарлар, хоҳ публицистик мақола, хоҳ суҳбат тарзида бўлсин, ижодий ғояларимизни, она тилимизнинг гўзаллигини, беқиёс ифода имкониятларини, фикр-қарашларимизни намоён этиб келяпмизки, мақсадимиз — улар халқимизнинг бадиий дидини ўстиришга, кўнгил кўзини очишга, дунёқарашини бойитишга, маънавиятини юксалтиришга, юртимизда юз бераётган тарихий ўзгаришлардан хабардорлигини оширишга, уларнинг моҳиятини теран тушунишга хизмат қилсин.

Қувонарлиси, атрофимда ижодий муҳит бор. Марказий матбуот нашрлари, ижодий ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Муҳими, бугун мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашда олдинга катта силжиш кўзга ташланмоқда. Аввалгидек мустақил фикрни бўғиш, эркин ижод қилишга сунъий тўсиқлар яратиш, ижодкорларни таъқиб этиш барҳам топди. Бу оммавий ахборот воситалари орқали ўз сўзини айтмоқчи бўлган ҳар бир кишига катта масъулият юклайди. Чунки эркинлик бор экан деб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларга ҳамма гапни ҳам айтавериш нафақат маданиятсизлик, балки ҳуқуқий жавобгарликка ҳам олиб келиши мумкин.

Давлат мукофоти — бу эътироф. Меҳнатлар, изланишларнинг муносиб тақдирланиши. Ушбу рағбат руҳимни янада кўтарди. Айни чоғда янги куч билан олдинга интилишга ундайди, юксак ижодий уфқлар сари қанот бўлади.

# МАТБААЧИЛИК ҲАМ ИЖОДИЙ ЖАРАЁН

**Нарзулла ҲАМРОЕВ,**
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муҳандис-технологи:**

— Бугунги жаҳон матбаатчилигини янги — рақамли компьютерлашган технологияларсиз тасаввур қилиш жуда қийин. Ўтган асрнинг 90-йилларигача ўз гегемонлигини ўтказиб келган "Қўрғошин технологияси"ни бугунги интернет тизими билан чамбарчас боғлаган тезкор матбаани ҳечам солиштириб бўлмайди. Сўнгги пайтларда жараён шунчалик тезлашиб кетдики, ҳатто кечагина катта муваффақият билан таҳририятлардан тайёр босма файлларни босмахонага узатишда фойдаланиб келинган "флешка", "локал сеть" тизимлари ҳам ортга чекина бошлади. Эндиликда таҳририятларда бош муҳаррир томонидан чоп этишга рухсат берилган газета файллари интернет тизими орқали саноқли сониялар ичида дунёнинг исталган бурчагидан босмахона оператори компьютерига келиб тушмоқда. Унинг техник сифатлари босмахона талаблари асосида текширилиб, чоп этиш бошлаб юборилмоқда.

Мамлакатимизда матбаа соҳасида кучли рақобат пайдо бўлиб, кун сайин нодавлат босмахоналар кўпайиб бормоқда. Шунга қарамасдан, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳамон пешқадамлар сафида. Бу ерда 60 дан ортиқ газеталар босилади. Қолип тайёрлашда Германиянинг "Obolon" STP машинаси, чоп этишда эса Швейцариянинг "Solno", Ҳиндистоннинг "Orient Star" машиналаридан фойдаланилмоқда.

Президентимиз табригида кейинги вақтда юртимизда китобхонликни оммалаштиришдек эзгу ишга нашриёт-матбаа соҳаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани алоҳида эътироф этилгани бизни жуда хурсанд қилди. Зеро, биз матбаачиликка, аввало, ижодий жараён сифатида қараймиз. Шу боис нашрларни чоп қилишда сифатга алоҳида эътибор қаратилади. Газета саҳифалари сифати, суратлар ранглари ва қоғоздаги нафисликка жиддий аҳамият берилади. Чунки биз тайёрлаётган маҳсулотлар — нашриётимизнинг "ташриф қоғози".

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

РЕКЛАМА




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 446 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.25 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6